


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЛК ВА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ



Мақтабгача
таълим
вазирлиги

unicef 





Мақтабгача
таълим
вазирлиги

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари 2018

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари БМТнинг Болалар жамғармаси ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси техник кўмагида яратилди ва нашр этилди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИЛК ВА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3032]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон «2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир А. Шин

Тошкент ш.,
2018 йил 18 июнь
1-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача
таълим вазирининг 2018 йил 18
июндаги 1-мх-сон буйруғига

ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари

Мазкур Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари (бундан буён матнда Давлат талаблари деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон «2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан илк ва мактабгача ёшдаги болаларни (бундан буён матнда болалар деб юритилади) ҳар томонлама ривожлантириш, таълим-тарбия бериш, мактаб таълимига тайёрлаш бўйича давлат талабларини белгилайди.





1-боб. Умумий қоидалар	8	Кичик соҳа: Элементар математик малакалар.....28	Кичик соҳа: Элементар математик малакалар.....49
2-боб. Давлат талабларининг мақсад, вазифа ва асосий тамойиллари	8	Кичик соҳа: Тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият29	Кичик соҳа: Тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият50
3-боб. Давлат талабларининг таркиби	10	Ижодий ривожланиш 30	Ижодий ривожланиш 51
4-боб. Яқуний қоидалар	11	Кичик соҳа: Дунёни бадий тасаввур этиш31	Кичик соҳа: Дунёни бадий тасаввур этиш52
		Кичик соҳа: Бадий-ижодий қобилиятлар32	Кичик соҳа: Бадий-ижодий қобилиятлар53
1-илова. Илк ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган талаблар	13	2-илова. Илк ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган талаблар 33	
Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	14	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши 34	
Кичик соҳа: Йирик моторика.....15		Кичик соҳа: Йирик моторика.....35	
Кичик соҳа: Майда моторика16		Кичик соҳа: Майда моторика36	
Кичик соҳа: Сенсомоторика17		Кичик соҳа: Сенсомоторика37	
Кичик соҳа: Соғлом турмуш тарзи ва хавфсизлик..18		Кичик соҳа: Соғлом турмуш тарзи ва хавфсизлик..38	
Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	19	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш 39	
Кичик соҳа: «Мен» концепцияси.....20		Кичик соҳа: «Мен» концепцияси.....40	
Кичик соҳа: Ҳиссиётлар ва уларни бошқариш.....21		Кичик соҳа: Ҳиссиётлар ва уларни бошқариш.....41	
Кичик соҳа: Ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот.....22		Кичик соҳа: Ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот.....42	
Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	23	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари 43	
Кичик соҳа: Нутқ ва тил.....24		Кичик соҳа: Нутқ ва тил.....44	
Кичик соҳа: Қўл бармоқлари майда моторикаси25		Кичик соҳа: Ўқиш малакалари45	
Билиш жараёнининг ривожланиши 26		Кичик соҳа: Қўл бармоқлари майда моторикаси46	
Кичик соҳа: Интеллектуал-билиш малакалари27		Билиш жараёнининг ривожланиши 47	
		Кичик соҳа: Интеллектуал-билиш малакалари48	



1-боб. Умумий қоидалар

1. Давлат талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчилик шакли ва идоравий тасарруфидан қатъий назар, қуйидаги таълим муассасаларида қўлланилади:

- ▶ давлат мактабгача таълим муассасалари
- ▶ нодавлат мактабгача таълим муассасалари
- ▶ мактабгача ёшдаги гуруҳлари мавжуд бўлган «Меҳрибонлик» уйлари

2. Мактабгача таълим турлари учун кадрлар тайёрловчи ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, мактабгача таълим турлари бўйича педагогик кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга оширадиган муассасалар, мактабгача ёшдаги болалар тарбия олаётган оилалар мазкур Давлат талабларига риоя қилишлари лозим.

2-боб. Давлат талабларининг мақсад, вазифа ва асосий тамойиллари

3. Давлат талабларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

- ▶ мактабгача таълим — мактабгача ёшдаги болалар қизиқиши, иқтидори, индивидуал руҳий ва жисмоний хусусиятлари, маданий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳамда болада маънавий меъёрларни шаклланиши, ҳаётий ва ижтимоий тажриба эгалланишини кўзда тутган ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган яхлит жараён
- ▶ ривожланиш – инсон танаси тузилиши,



руҳияти ва ҳулқида биологик жараёнлар ҳамда атроф муҳит таъсирида рўй берадиган ўзгаришлар

- ▶ ривожланиш соҳаси – бола ривожланишидаги аниқ бир йўналишлар
- ▶ кичик соҳа – соҳанинг кичик гуруҳлари. Асосий соҳаларнинг кичик соҳаси ривожланишнинг маълум бир томонларини

ўз ичига қамраб олади ва уларнинг аниқ бир йўналишини кўрсатиб беради

- ▶ кутилаётган натижа – болаларда кутилаётган билим, кўникма ва малакалар кўрсаткичи
- ▶ бола компетенцияси – маълум бир ёш даврига хос бўлган вазифаларни мақсадли бажариш учун етарли бўлган боланинг



билими, кўникмаси ва малакалари ҳамда қадриятлари

- ▶ *интеграция – бола таълими ва ривожланишидаги мазмун таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқлик*
- ▶ *инклюзив таълим – болаларнинг алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларини инобатга олган ҳолда таълим ва тарбия олинишини тенг таъминловчи жараён*
- ▶ *«Мен» концепцияси – болани ўзи ҳақидаги англанган тасавурлари тизими, унинг рефлексив фаолиятининг бир қисми*
- ▶ *рефлексив фаолият — болада ўз тушунчалари ва хатти-ҳаракатларини*

англаш ва мустақил таҳлил қилиши асосида хулосалар шаклланиши жараёни

4. *Давлат талабларининг мақсади мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни, хорижий мамлакатлар илғор тажрибаси ҳамда илм-фан ютуқлари ва замонавий информацион коммуникатив технологияларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим тизимида маънан мукамал ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдир.*
5. *Давлат талабларининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:*
 - ▶ *мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши, таълим-тарбияси мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш*

▶ *миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида болаларга таълим-тарбия бериш, ривожлантиришининг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш*

▶ *таълим-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш*

▶ *кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришининг самарали интеграциясини таъминлаш*

6. *Давлат талаблари қуйидаги тамойиллар асосида татбиқ этилади:*

▶ *боланинг ноёблиги*

▶ *«Мен» концепцияси ва шахсий таълимни яратишда боланинг фаол роли*

▶ *боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг муҳимлиги*

▶ *бола таълими ва ривожланишида катталарнинг асосий роли*

▶ *болалар ривожланишида индивидуал фарқланишлар мавжудлиги сабабли, ҳар бир болага мослашувчан бўлиб, индивидуал вариативлик асосида ёндашиш.*

3-боб. Давлат талабларининг таркиби

7. Давлат талаблари ривожланиш соҳалари интеграциясини кўзда тутати ва бола ривожланишига кўмаклашади.

Давлат талаблари туғилгандан 7 ёшгача бўлган болаларнинг бешта асосий ривожланиш соҳаларига бўлинган. Ҳар бир ривожланиш соҳаси ўз ўрнида кичик соҳаларга бўлинган бўлиб, улар ҳар бир ёш гуруҳига мос бир нечта талаблардан (кутилаётган ривожланиш кўрсаткичларидан) иборат.

8. Давлат талаблари боланинг қуйидаги ривожланиш соҳалари бўйича белгиланади:

- ▶ жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши
- ▶ ижтимоий-ҳиссий ривожланиш
- ▶ нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари
- ▶ билиш жараёнининг ривожланиши
- ▶ ижодий ривожланиш.

9. «Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши» соҳаси қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:

- ▶ йирик моторика
- ▶ майда моторика
- ▶ сенсомоторика
- ▶ соғлом турмуш тарзи ва хавфсизлик.

10. «Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш» соҳаси қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:

- ▶ «Мен» концепцияси

- ▶ ҳиссиётлар ва уларни бошқариш
- ▶ ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот.

11. «Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари» соҳаси қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:

- ▶ нутқ ва тил
- ▶ ўқиш малакалари
- ▶ қўл бармоқлари майда моторикаси.

12. «Билиш жараёнининг ривожланиши» соҳаси қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:

- ▶ интеллектуал-англаш малакалари
- ▶ элементар математик малакалар
- ▶ тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият.

13. «Ижодий ривожланиш» соҳа қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:

- ▶ дунёни бадиий тасаввур этиш
- ▶ бадиий-ижодий қобилиятлар.

14. Давлат талаблари асосидаги ёш даврлари қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- ▶ гўдаклик (туғилгандан 1 ёшгача)
- ▶ илк ёшдаги болалик (1 ёшдан 3 ёшгача)
- ▶ кичик мактабгача ёш (3 ёшдан 4 ёшгача)
- ▶ ўрта мактабгача ёш (4 дан 5 ёшгача)
- ▶ катта мактабгача ёш (5 ёшдан 6 ёшгача)
- ▶ мактабга тайёрлов ёши (6 ёшдан 7 ёшгача).

15. Илк ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган талаблар мазкур Давлат

талабларининг 1-иловасида белгиланган.

16. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган талаблар мазкур Давлат талабларининг 2-иловасида белгиланган.

4-боб. Яқуний қоидалар

17. Мазкур Давлат талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

18. Мазкур Давлат талаблари Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва «Оила» Республика илмий-амалий маркази билан келишилган.



Келишилди:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси бош директори



У. Ташкенбаев

2018 йил "18" июль

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги



А. Шадманов

2018 йил "18" июль

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги



Н. Маджидов

2018 йил "18" июль

Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори



А. Каримов

2018 йил "18" июль

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
"Онла" илмий-амалий тадқиқот
маркази директори



Д. Ташмухамедова

2018 йил "18" июль

**1-ИЛОВА
ИЛК ЁШДАГИ БОЛАЛАР
РИВОЖЛАНИШИГА
ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

1-3





ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА СОҒЛОМ
ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ



Кичик соҳа: Йирик моторика

Талаб: Бола ўз танаси ва унинг аъзоларини бошқаради, мақсадли тўғри ҳаракатланади

0-1 ёш

- ▶ боши ва кўкрагини кўтаради
- ▶ орқасидан қорнига ва қайта ўгирилади
- ▶ ёрдамсиз ўтиради
- ▶ оёқларини излайди ва топиб, оғзига тортади
- ▶ турли йўналишларда эмаклайди
- ▶ тўрт оёқлаб ҳаракатланади
- ▶ тиргакка суянган ҳолда оёқда туради
- ▶ катталар ёрдамида ва ёрдамсиз оёқда туради
- ▶ юра бошлайди
- ▶ кичик тўсиқлар устидан хатлаб ўтади

1-2 ёш

- ▶ катталар ёрдамсиз турли йўналишларда юради
- ▶ тиззасига ўтиради
- ▶ югуради
- ▶ энгашиб ўйинчоқларни олади
- ▶ зинапоядан юқорига қадамма-қадам кўтарилади

2-3 ёш

- ▶ бир оёқда туриб мувозанатни сақлайди
- ▶ мустақил зинапоядан кўтарилади ва тушади
- ▶ тепалиқдан сирғаниб тушади
- ▶ икки оёқлаб бир жойда сакрайди, олдинга силжиб сакрайди
- ▶ кичик тўсиқлар устидан сакраб ўтади
- ▶ ёпиқ эшикни очади, эшиқдан киради ва чиқади
- ▶ уч оёқли велосипедда учади

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- ▶ болани севимли ўйинчоғи яқинига эмаклаб келишини рағбатлантириш
- ▶ бола ўтирган ҳолатдан ётган ҳолатга тушиши ва кўтарила олиши учун юмшоқ жойни таъминлаш
- ▶ болани қориндан орқасига айланишига ва қорнига ўгирилишига рағбатлантириш
- ▶ «мен томон эмакла», «ўтир» кўрсатмалари орқали бола билан ҳамкорликда ўйинлар ташкил қилиш
- ▶ бола хатлаб ўта олиши учун уни «паст предметлар» билан таъминлаш
- ▶ вазифани мураккаблаштириш мақсадида предметлар сонини (масалан, кубикларни)
- ▶ аста-секин кўпайтириб бориш
- ▶ бола қизиқаётган предметига эмаклаб ёки хатлаб етишиши учун имконият яратиш

- ▶ болага тортиш, чўзиш, кўтариш имконини берувчи предметларни таклиф қилиш
- ▶ бола билан қўл ва оёқларни ҳаракатлантириб ва хиргойи қилиб ўйнаш
- ▶ бола эркин ҳаракатланиши учун хавфсиз ва мустаҳкам муҳит яратиш
- ▶ болага аравача, отчалар, кубиклар, йирик ўйинчоқ машиналар билан ўйнашни ўргатиш
- ▶ бола билан тўғри йўналишда юриш, югуриш, эмаклаш, предметларни отиш/илиб олиш имкониятини берадиган ўйинлар ўйнаш
- ▶ эрталабки бадантарбияни очик ҳавода ташкиллаштириш

- ▶ боланинг ҳаракат тажрибасини турли хил жисмоний машқлар билан бойитиш
- ▶ бола билан йўналишини топиши ва бўш жойда ҳаракатланиши учун ҳаракатли ўйинлар ўтказиш
- ▶ болага кичик тепаликка чиқиш ва тушишида кўмаклашиш
- ▶ болаларни ҳаракат фаоллигини ташкиллаштиришда жамоавий шаклларга жалб этиш
- ▶ таниш ҳаракатларни биргаликда осон ва эркин, бир маромда ва келишган ҳолда бажариш
- ▶ полда турли катаклар, йўлакчалар, доирачалар чизиш ҳамда болага қувонч ва хурсандчилик бағишлайдиган машқлар бажариш

Кичик соҳа: Майда моторика

Талаб: Бола қўли ва бармоқларини турли мақсадларда мувофиқлаштиради ва ишлатади

0-1 ёш

- ▶ предметларни ушлайди
- ▶ предметларни бир қўлидан иккинчи қўлига олади
- ▶ бир вақтда бир неча предметларни қўлида ушлайди
- ▶ бармоқлари билан турли ўйинчоқларни айлантиради
- ▶ оддий ўйинчоқларни бўлақларга ажратади ва йиғади
- ▶ қарсак чалади
- ▶ қўлини силкитади

1-2 ёш

- ▶ кўпинча бир неча варақни ўтказиб, китоб бетларини варақлайди
- ▶ предметларни теради ва бирлаштиради (пирамида ва ҳоказо)
- ▶ предметларни бураб қўяди ва бураб олади;
- ▶ «бармоқлар ўйини»ни ўйнайди

2-3 ёш

- ▶ 5–7 ҳалқали пирамидани бўлақларга ажратади ва йиғади
- ▶ тешик шаклига мос келадиган ясси ва ҳажмли шаклдаги предметларни жойлаштиради
- ▶ ҳалқага арқонни ўтказиши
- ▶ катта ҳажмли содда мозайкаларни йиғади
- ▶ осон қурилиш конструкцияларини қуради
- ▶ катталар ёрдамида йирик мунчоқларни ипга ўтказиши

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- ▶ ҳар бир ҳаракатни аниқ тушунтирган ҳолда ҳаракатни кўрсатиш
- ▶ қурилмалар билан ўйнаш
- ▶ болага ўйинчоқлар бериб, уларни ўрганиб чиқишига имконият бериш
- ▶ болага хавфсиз предметлар, шақилдоқлар, кичик пирамидалар ва бошқа предметларни катталар назорати остида танлаши ва саралашни учун бериш

- ▶ болага, очиш/ёпиш мумкин бўлган уй-рўзғордаги ўйинчоқ ва предметларни тақдим этиш (синмайдиган қопқоқли банкалар, кастрюллар)

- ▶ бола билан мунтазам шуғулланиш: ҳамкорликда ҳайвонларни, уй-рўзғор буюмларини (ликопча, пиёла, қошиқ) лойдан ёки пластилиндан яшаш, ушбу барча предметларни чизиш
- ▶ қумдонда бола билан ўйнаш, қумдонда кичкина ўйинчоқларни бекитиш мумкин, бола эса уларни ўзи қидиради
- ▶ қўллар майда моторикасининг сенсомотор мувофиқлигини ривожлантириш учун боғлаш ўйинларини ўтказиш
- ▶ болага кубикларни йиғиш, қулфларни ёпиш ва очиш имкониятини бериш ва ҳ.к.



Кичик соҳа: Сенсомоторика

Талаб: Бола сезги органлари ёрдамида ўз ҳаракатларини бошқаришга қодир

0-1 ёш

1-2 ёш

2-3 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- ▶ муҳитни қўллари ва оғзи билан ўрганади
- ▶ предметларни бир-бирига уради
- ▶ қарсак чалади
- ▶ қизиқтираётган объектга интилади

- ▶ ёқтирган таоми ва бошқа буюмларга қўлини чўзади
- ▶ ликопча (пиёла)ни ушлайди ва ундан ичади
- ▶ сувни бир идишдан бошқасига тўқади
- ▶ икки қўли билан коптокни ирғитади
- ▶ коптокни думалатади ва отади
- ▶ оёғи билан коптокни итаради
- ▶ ипга боғланган аравача ёки машинани бошқаради

- ▶ коптокни бошқаларга думалатади
- ▶ катталарга коптокни отади
- ▶ тортилган арқон устидан коптокни отади
- ▶ пирамидани ранги, шакли ва катталигига қараб йиғади
- ▶ таниш сабзавот ва меваларнинг таъмини аниқлаши мумкин
- ▶ паст ва баланд овозларни ажратади
- ▶ қўл ва оёқларини бир маромда уйғун ҳаракатлантиради

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- ▶ овқатланиш ва тамадди қилишнинг аниқ вақтини белгилаб қўйиш
- ▶ болага қути бериш ва ўйинчоқларини унга йиғишини илтимос қилиш
- ▶ болага севимли таомларини таклиф қилиш
- ▶ болага у кўраётган нарсаси ва ҳаракат ўртасидаги боғлиқликни англашига кўмаклашиш (қара, копток думалаяпти, бор, уни тутиб ол)
- ▶ боланинг ҳар бир муваффақиятини рағбатлантириш

- ▶ болага бир неча таомдан бирини танлаш имконини бериш
- ▶ болани кун мобайнида мустақил пиёладан ичишини рағбатлантириш
- ▶ болага сезгиси билан ҳаракатларни бирлаштирувчи жисмоний машқлар имконини таклиф қилиш (соялар ўйини, оёқлар билан чизиш, сигнал бўйича ҳаракат)
- ▶ турли материал ва турли шаклдаги предмет ва ўйинчоқларни таклиф этиш ва уларни номини айтиш

- ▶ бола билан доимий мулоқотда бўлиш, у билан ўйнаш, кубларни, пирамидаларни, матрешкаларни қисмларга ажратиш, йиғиш, предметларни қутиларнинг мос келадиган тешигига киргизиш
- ▶ салатлар тайёрлаётганда, болага сабзавотларни татиб кўриб, таъми ва ҳидига қараб аниқлаш имконини бериш
- ▶ «Секин ва баланд», «Нима жаранглаётганини аниқла!», «қадам ташлаймиз ва рақсга тушамиз», «Нимани эшитяпсан?» каби ўйинларни ўйнаш

Кичик соҳа: Соғлом турмуш тарзи ва хавфсизлик

Талаб: Бола саломатликни сақлаш кўникмаларини намоён қилади, хавфсиз соғлом овқат ва ҳаётни сақлаш қоидалари ҳақида тушунчага эга

0-1 ёш

1-2 ёш

2-3 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- | | | |
|---|---|--|
| <ul style="list-style-type: none"> ▶ яхши иштаҳа ва уйқуга эга ▶ қошиқ билан мустақил ейишга ҳаракат қилади ▶ қўлининг барча бармоқларини ишлатиб губкани сиқади ▶ юзи, оғзи ва қўлларини артади ▶ бутилкадан ичади ▶ чўмилаётганда сувни сачратади | <ul style="list-style-type: none"> ▶ катталар ёрдамида тишларини тиш чўткаси билан тозалайди ▶ мустақил юзи, оғзи ва қўлларини артади ▶ кийимини ечишга ҳаракат қилади ▶ стол ва полларни артишга тақлид қилади | <ul style="list-style-type: none"> ▶ қўлини совун билан ишқалайди, кўпигини ювади ва сочиққа артади ▶ мустақил қошиқ билан овқатланади ▶ қўл сочиғидан (салфеткадан) овқатланиш жараёнида фойдаланади ▶ сув муолажаларига ижобий муносабат билдиради |
|---|---|--|

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- | | | |
|---|---|---|
| <ul style="list-style-type: none"> ▶ бола билан биргаликда жўмракдан оқаётган сувни кузатиш ▶ қўл ювиш жараёнини кўрсатиш ▶ болага совун бериш, ундан қандай фойдаланишни кўрсатиш, ҳидлаб кўриш имкониятини бериш, рангига боланинг эътиборини қаратиш ▶ чўмилиш вақтида губка, майда ўйинчоқлар ва кўпик билан ўйинлар ташкил қилиш | <ul style="list-style-type: none"> ▶ болага қандай қилиб тишни тозалаш ва оғизни чайиш кераклигини кўрсатиш ▶ боланинг уринишларини рағбатлантириш ▶ сув нимага кераклигини тушунтириш ▶ жараён вақтида турли шеърлардан фойдаланиш ▶ чўтка билан ишқалангандан сўнг кир жой қандай тозаланишини намойиш қилиб бериш | <ul style="list-style-type: none"> ▶ болаларни мустақил ҳаракатга ўргатиш ▶ болаларни тўғри овқатланишга ўргатиш ▶ болага организм учун нима фойдали, нима зарар эканлигини тушунтириш ▶ саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашда шахсий намуна кўрсатиш |
|---|---|---|

КУНДАЛИК ҲАЁТДА, ЖАМИЯТДА, ТАБИАТДА ХАВФСИЗ ЮРИШ-ТУРИШ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Туғилгандан 3 ёшгача

- ▶ Бола ҳали жуда кам тажрибага эга бўлганлиги сабабли:
- ▶ болани қаровсиз қолдирмаслик ва травматизмни олдини олиш
- ▶ ўйин ва мустақил ҳаракат мобайнида доимий равишда боланинг кайфиятини кузатиш
- ▶ сокин ва дўстона оҳангда гапириш
- ▶ болага ўйинчоқ танлашда ишлаб чиқарувчининг тавсияларига риоя қилиш лозим



ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНИШ

Кичик соҳа: «Мен» концепцияси

Талаб: Бола ўзини ўз хусусиятларига эга, ижобий шахс сифатида қабул қилади. Бола мустақил ва ўзига жавоб беради

0-1 ёш

- ▶ ўз исмига муносабат билдиради, ишора ва товушлар билан жавоб беради
- ▶ айрим тана аъзоларини кўрсатади(боши, қўли, оёғи, бурни)
- ▶ кўзгуда ўз аксига кулади
- ▶ катталар эътиборини турлича ўзига тортади
- ▶ истаган натижага эришганда хурсандчиликни ифодалайди ёки норозилик билдиради, инжиқланади

1-2 ёш

- ▶ кўзгуда, расмда ўзини танийди, ўз исмини билади
- ▶ катталар талаби билан унинг истаги тўғри келмаганда эътироз билдиради
- ▶ катталар томонидан ўзининг ҳаракатларига билдирилган рағбат ва танбеҳни фарқлайди

2-3 ёш

- ▶ ўзи ва буюмлари ҳақида сўзлайди (бу меники)
- ▶ ҳамма ишни ўзи бажаришга интилади
- ▶ ўзи бажарган ишга севинади
- ▶ ўз нарсаларини танийди
- ▶ ўзини аниқ бир жинсга мансублигини билади
- ▶ бирор бир ишни мустақил бажаради

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- ▶ болани исми билан чақириш
- ▶ боланинг тана аъзоларини кўрсатинг ва номини айтиш
- ▶ болага кўпроқ табассум билан қараш, у билан биргаликда кўзгуга қараш
- ▶ турли вазиятларда боланинг ҳиссиётларини таърифлаб ўтиш («Зарина айиқча келганига хурсанд бўляпти», «Шаҳзода чарчади, уйқуси келяпти»)
- ▶ боланинг ҳаракатларига кўра муносабатни билдириш

- ▶ болага ўзини ижобий баҳолашида кўмаклашиш: «мен – яхши», мен тиришқоқ»
- ▶ болани бошқалар билан бўлашишга ўргатишни бошлаш
- ▶ «ўғил болалар – кучли», «қиз болалар – мулойим» каби стереотиплардан қочиш
- ▶ «ман этилади» ва «...мумкин эмас» ибораларидан воз кечиш; болага нотўғри ҳаракатлар оқибатини тушунтирган ҳолда уни йўналтириш («қум кўзингга тушса, кўзинг оғрийди»)

- ▶ болани бошқалар билан мулоқотда ўзини таништиришга одатлантириш
- ▶ болани ютуқлари учун албатта мақташ, ютуқлар кичикроқ бўлса ҳам
- ▶ бола бош бўладиган ҳолатларни ташкиллаштириш
- ▶ танбеҳ беришдан ўзини тийиш



Кичик соҳа: Ҳиссиётлар ва уларни бошқариш

Талаб: Бола бошқаларнинг ҳис-туйғуларини фарқлаши ва ўзиникини ифодалашга қодир

0-1 ёш

1-2 ёш

2-3 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- | | | |
|--|---|--|
| <ul style="list-style-type: none">▶ атрофдагилар кайфиятини сўзлашув оҳангига қараб аниқлайди (онам хурсанд бўляпти, бобомнинг жаҳли чиқяпти)▶ қарсақ чалади, хурсанд бўлади, бирон-бир товуш ёки ҳаракати атрофдагиларга таъсир қилишини англаса, ушбу товуш ва ҳаракатларни қайтаради | <ul style="list-style-type: none">▶ катталарнинг унга муносабатидан ўз ҳиссиётларини, таассуротларини намоён қилади▶ ҳайрат, завқ, қўрқинчни ифодалайди▶ мустақил ўйин ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган қувончни (хафаликни) кўрсатади | <ul style="list-style-type: none">▶ мулоқотда очиқ, ижобий эмоционал руҳият устун, атрофдагиларга асоссиз тажовузкорлик кўрсатмайди▶ бошқаларга ачинади, қайғуради▶ бошқа одамнинг эмоционал ҳолатини тушуна бошлайди ва шунга мос муносабат билдиради |
|--|---|--|

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- | | | |
|---|---|---|
| <ul style="list-style-type: none">▶ боланинг ҳар бир ютуғини мақташ ва қўллаб-қувватлаш▶ ўйинчоқларга овоз бериб, турли ҳиссиёт ва ҳаракатларни таниш имкониятини бериш▶ оилада эмоционал ижобий ҳолатни яратиш ва ҳар куни бола билан ўйнаш▶ ўйин вақтида болага ўзига ишонч ҳиссини ошириш учун яқин туришга ҳаракат қилиш ва барча биргалиқда бажарилаётган ҳаракатларни болага аниқ ва лўнда тушунтириш▶ баланд товуш ва шовқинларни чеклаш | <ul style="list-style-type: none">▶ бола билан у билан боғлиқ бўлган турли вазият ва ҳиссиётларни муҳокама қилиш▶ болага рад жавобини берилиши сабабини тушунтириш▶ боланинг жаҳли чиққанда, хафа бўлганда ёки ўзини ёмон ҳис этганда ёнида бўлиш | <ul style="list-style-type: none">▶ бола билан суҳбатда ҳиссиётларни таърифловчи сўзларни қўллаш▶ мультфильм қаҳрамонларининг ёрқинлигини таҳлил қилиш; ҳиссиётларни ифодаловчи сўзли ўйинлардан фойдаланиш, кайфият ва ҳис туйғулар ҳақидаги ҳикоялар ва шеърларни ўқиш |
|---|---|---|

Кичик соҳа: Ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот

Талаб: Бола тенгдошлари ва катталар билан мулоқот малакаларини ривожлантиришга қодир

0-1 ёш

1-2 ёш

2-3 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- ▶ саломлашади, муносабат билдиради, хайрлашаётганда қўлини силкитади
- ▶ бошқа бола ҳаракатини кузатади, кулади ёки боғланишсиз гапиради
- ▶ катталарнинг кўп мурожаатларига жавоб беради, бироқ баъзиларини эътиборга олмайди

- ▶ катталар ҳаракатига тақлид қилишга интилади
- ▶ товуши ёки ҳаракати билан бошқа боланинг диққатини ўзига тортади
- ▶ бошқа болалар билан ўйинда қатнашади
- ▶ турли ҳаракатларни бажариб, ҳайвонлар ҳаракатини ўхшатиб ҳаракатли ўйинларда иштирок этади

- ▶ катталар ҳаракатига тақлид қилади
- ▶ катталарни бирга ўйнашга жалб қилишга интилади
- ▶ тенгдошлари ёнида ўйнайди
- ▶ бошқа болалар билан ўйинчоқларини бўлишади

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- ▶ болага ҳаракатлар намунасини кўрсатиш (саломлашиш, хайрлашиш)
- ▶ болани катталар мурожаатига жавоб бергани учун мақташ
- ▶ очиқ ҳавода бошқа болалар билан биргаликда сайр ташкиллаштириш
- ▶ ҳаракатларни сўзлар билан қўшиб олиб бориш

- ▶ болага ўйин ёки ҳаракатнинг умумий қоидаларини тушунтириш (биз қумни ўйнаймиз, лекин қумни сочмаймиз)
- ▶ тенгдошлар билан биргаликдаги фаолиятга жалб қилиш

- ▶ бола билан ўйин мобайнида бошқалар билан ҳамкорлик қилишни шахсий намуна асосида намойиш этиш
- ▶ мулоқот жараёнида чегара белгилаш
- ▶ болани бошқа болалар билан таққосламаслик



Ersoleva
Barin
Nigmatullayeva



НУТҚ, МУЛОҚОТ,
ЎҚИШ ВА ЁЗИШ МАЛАКАЛАРИ

Кичик соҳа: Нутқ ва тил

Талаб: Бола нутқни тинглаш ва тушунишга, гапириш ва мулоқот қилишга қодир

0-1 ёш

1-2 ёш

2-3 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- | | | |
|---|--|---|
| <ul style="list-style-type: none"> ▶ ба-ба, ма-ма, бу-бу ва бошқа бўғинларни талаффуз қилади ▶ болалар қўшиқлари, овутмачоқлар, эртақлар, қисқа ва содда ҳикояларни тинглайди ▶ номи тилга олинган объект томон қарайди (ойиси қани...) ▶ ёрқин расмни китобчаларни кўришга қизиқиш билдиради | <ul style="list-style-type: none"> ▶ кундалик ҳаётда бажариладиган ҳаракатларни англатувчи сўзлар маъносини тушунади ▶ ўриндош сўзларни қўллайди, катталар кетидан энгил сўзларни қайтаради ▶ катталар нутқига тақлид қилади ▶ китобларни ўрганади | <ul style="list-style-type: none"> ▶ истак ва илтимосни ифода этади ▶ катталар нутқини тўғри тушунади ▶ катталарнинг оддий топшириқларини бажаради ▶ ҳаракатларни нутқ билан бирга олиб боради ▶ сўзлардан фойдаланади ▶ китоб ўқиб беришларини сўраши мумкин ▶ расмлар бўйича китобни танийди |
|---|--|---|

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- | | | |
|--|--|---|
| <ul style="list-style-type: none"> ▶ болани парваришлаш жараёнида (эмизиш, чўмилтириш, ухлашга ётқизиш) у билан гаплашиш, тана аъзолари, кийим, буюмлар номини айтиш ▶ болага турли ҳикоялар, эртақлар айтиб бериш, биргаликда ёрқин китобларни томоша қилиш ва болани диққат билан тинглашга қизиқтириш ▶ бола билан мулоқот мобайнида унга саволлар бериш ва маъноси бўйича тўғри жавобни такрорлашга ундаш | <ul style="list-style-type: none"> ▶ болага китоб ўқиб, турли ҳикоя ва эртақларни сўзлаб бериш ▶ сайр давомида кўрган нарсаларни муҳокама қилиш (кучук югуряпти, болакай мактабга кетяпти) ▶ бола билан бирга китоб дўконлари ва кутубхоналарга бориш ▶ телевизор кўриш ва электрон техника қўллашни чегаралаш | <ul style="list-style-type: none"> ▶ бола билан мулоқот вазиятларини яратиш, саволлар бериш ▶ болага топшириқлар бериш, масалан, «қиём учун ликопча олиб кел», «қизил қаламни ол», «кичик айиқчага қўшиқ айтиб бер» ▶ боланинг сўз бойлигини турли дидактик ўйинлар, кузатув ва томошалар орқали бойитиб бориш ▶ китоб харид қилишда болага танлаш имконини бериш |
|--|--|---|



Кичик соҳа: Қўл бармоқлари майда моторикаси

Талаб: Бола асосий ҳаракатларни эгаллаган, қўлларнинг майда моторли кўникмасига эга

0-1 ёш

1-2 ёш

2-3 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- ▶ турли юзаларда бармоқлари билан гуашь(бўёқ) ёрдамида чизади (ойна, целлофан, қоғозда)
- ▶ ишлатаётган буюмларини бармоқлари билан ушлайди; (қалам, мўйқалам, маркер) бетартиб чизиқларни чизади
- ▶ турли эркин чизиқлар ва ноаниқ айланалар чизади
- ▶ турли юзаларда турли шакллар чизади
- ▶ ўз исмининг ёзувини танийди

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- ▶ болани расм яратиш учун бармоқларидан фойдаланишга рағбатлантириш
- ▶ болага йирик ҳарфларни таклиф этиш, ушбу ҳарфларни қум орасига бекитиб биргаликда излаш
- ▶ ҳарфлар шаклидаги печеньеларни харид қилиш
- ▶ стикерли китоблардан фойдаланиш
- ▶ бола соч ўришга ўрганиши учун сочли қўғирчоқлардан фойдаланиш
- ▶ болага ечиниш ва кийиниш кетма-кетлигини кўрсатиш
- ▶ бола билан турли топшириқли ўйинлар ўйнаш: столга қошиқларни қўйиш, нон идишни олиб келиш
- ▶ бола билан чизиш, қирқиш, ёпиштириш ва елимлаш
- ▶ қум, хамир ва шакллар билан ўйнаш
- ▶ болани кичик ютуқлари учун доим рағбатлантириш



БИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ



Кичик соҳа: Интеллектуал-билиш малакалари

Талаб: Бола қизиқувчан, интилувчан, фаол, билишга қизиқиш билдиради ва унга эҳтиёжи мавжуд

0-1 ёш

1-2 ёш

2-3 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- | | | |
|---|--|---|
| <ul style="list-style-type: none">▶ ўз ўйинчоқларини текшириш (ўрганиш) ни бошлайди: оғзига солади, улоқтиради, бўлакларга бўлади, тақиллатиб кўради, иккитасини бир-бирига уради ва чиқаётган товушни тинглайди▶ бирор бир товушни атроф-муҳит билан боғлайди (масалан, мушукни «мяу» билан, кучукни «вов» билан)▶ атрофидаги объектларни кузатади | <ul style="list-style-type: none">▶ расмдаги предметларни танийди▶ табиат ҳодисаларини қисқа муддат ичида кузатади▶ айрим сабзавот ва меваларни билади ва фарқлайди▶ ҳашаротлар (чувалчангларни тегиб кўради, чумолини кузатади), ҳайвонлар (уй ҳайвонларига қарайди, уларни кўрсатади), ўсимликлар (гулларни юлади, баргларни тўплайди) билан қизиқади | <ul style="list-style-type: none">▶ тана аъзоларини кўрсатади ва уларнинг функциясини билади▶ предметларнинг тактил хусусиятларини билади (юмшоқ, қаттиқ, дағал, силлиқ)▶ предметли расмлар орқали жонли табиат объектларининг номини билади (ҳайвонлар, ўсимликлар, қушлар)▶ табиатнинг айрим ҳодисаларини фарқлайди (ёмғир, қор) |
|---|--|---|

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- | | | |
|---|--|--|
| <ul style="list-style-type: none">▶ болага турли объектларни бошқариш имконини бериш▶ болани бир-бирига мос ўйинчоқларни жамлашга қизиқтириш — қўғирчоқ кийими қўғирчоққа мос келиши▶ болага атрофдаги янги нарсаларни кўрсатиш ва унинг муносабатини кузатиш▶ янги объектларни қўллаган ҳолда бола билан ўйнаш▶ турли ҳайвонлар турли товушлар чиқаришини намоиш қилиш | <ul style="list-style-type: none">▶ бола билан тоза ҳавода, фермада (уй ҳайвонлари), ҳайвонот боғида сайр қилиш▶ об-ҳаво ва ҳиссиётлар ҳақида сўзлашиш▶ ёмғир ёки қор вақтида бола билан қор парчалари ёки ёмғир томчиларини кузатиш▶ кўлмакка сакраш, қордан шакл ясаш▶ варрак учираш▶ бирор бир объектни узоқ кузатиш | <ul style="list-style-type: none">▶ турли фактурали предметларни ушлаб кўришни ва номини айтишни таклиф қилиш▶ барглар, чўплар, тошлар йиғиш▶ ҳудудда қуш ва ҳашаротларни, аквариумда балиқларни, ариқда ёки кўлмакда сув ҳаракатини кузатиш▶ табиат ҳодисаларини кузатиш, қор, кўлмақ, қуёшли қуёнчалар, қум, сув ва соя билан ўйнаш |
|---|--|--|

Кичик соҳа: Элементар математик малакалар

Талаб: Бола бошланғич математик малакаларга эга

0-1 ёш

1-2 ёш

2-3 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- | | | |
|--|--|---|
| <ul style="list-style-type: none"> ▶ предметларни катта ва кичикка ажратади | <ul style="list-style-type: none"> ▶ миқдорни «битта», «кўп»га ажрата олади | <ul style="list-style-type: none"> ▶ предметларни ранги ва шаклига қараб фарқлайди ▶ предметларни кичигидан каттасига қараб бир қатор қилиб жойлаштиради ▶ шаклларни ўзига мосини топади (Сеген доскаси) |
|--|--|---|

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- | | | |
|---|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"> ▶ турли ўлчамдаги кубикларни олинг ва уларни катта ва кичикка ажратишни кўрсатиш ▶ болага рақамлар ёзилган карточкаларни кўрсатиш ▶ болани сенсор тажрибасини бойитиш мақсадида қўлини ушлаб турли шакллар устидан юргизиш (боши думалоқ, кўзи кичкина) | <ul style="list-style-type: none"> ▶ болага предметларнинг ҳажми, оғирлиги ва узунлигини таърифлаб бориш ▶ болага сайр даврида элементар математик саволлар бериш: биз қанча зинапояни босиб ўтдик?, сенда нечта ўйинчоқ бор? ▶ болани математик билимларини ривожлантириш бўйича фаолиятга жалб қилиш (менга битта пиёла олиб кел, иккита печенье бер) | <ul style="list-style-type: none"> ▶ бола диққатини бир-биридан фарқ қиладиган ўлчамдаги предметлар ва уларнинг номланишига қаратиш (катта-кичик) ▶ предметларни шакли бўйича ажратиш ва номини тўғри айтиш малакасини шаклланишига кўмаклашиш (кубик, ғишт, шар) ▶ болада атроф-оламни амалий ўзлаштириш тажрибасини ортишига кўмаклашиш ▶ ётоқхона, меҳмонхона, ўйин хонаси ва бошқа хоналарни ажратишга ўргатиш ▶ бола билан биргаликда зинапояларни, қарсак ва бошқаларни санаш |
|---|--|--|



Кичик соҳа: Тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият

Талаб: Бола ўзининг табиий муҳитига қизиқишини намоён қилади, фанни ўрганишда фаол

0-1 ёш

1-2 ёш

2-3 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- | | | |
|---|---|---|
| <ul style="list-style-type: none">▶ ўйинчоқлар ва предметлар билан тажриба ўтказа бошлайди (ушлайди, чиқаради, бири-бирига жойлаштиради, босади, очади)▶ бўш пиёлани олади ва унга сув ёки шарбат қуйиб беришни сўрайди▶ предметлар ёки инсонларнинг кўздан ўйиб бўлиши ва пайдо бўлишига муносабат билдиради | <ul style="list-style-type: none">▶ бошқаларнинг ҳаракатини ёки тушиб кетган предметни кузатади▶ қувонч ёки қониқиш ҳиссини бахш этувчи ҳаракат ва товушларга эришиш учун предметлар билан ҳаракатланади▶ ҳаракатларга тақлид қилади ёки бошқалар▶ имо-ишорасини такрорлайди | <ul style="list-style-type: none">▶ яқин атрофидаги предметларни фарқлайди (ўйинчоқлар, идиш-товоқлар, кийим, пойафзал, мебель)▶ айрим уй ва ёввойи ҳайвонларни билади▶ айрим сабзавот ва меваларни фарқлайди▶ катталар ёрдамида қурилмалар қуради▶ ўз қурилмаси атрофида ўйин ташкиллаштиради▶ предметларни тегишли муҳитга жойлаштиришни билади (жирафани ҳайвонот боғига, машинани гаражга) |
|---|---|---|

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- | | | |
|--|---|--|
| <ul style="list-style-type: none">▶ болани ўйинчоқлар билан ўйнашдаги мустақиллигини қўллаб-қувватлаш▶ болага тажриба ўтказиш учун турли материалларни турли миқдорда бериш▶ пиёлани олиш, болага ичи бўшлигини кўрсатиш, бирор бир суюқлик билан тўлдириш ва болага ичи тўлганлигини тушунтириш | <ul style="list-style-type: none">▶ бола билан хиргойи қилиб, товушлар чиқариб, имо-ишоралар билан ўйнаш; болага шакли, ранги, оғирлиги турлича бўлган ўйинчоқ ва предметларни бериш▶ бола ҳаракатига муносабат билдириш▶ ўзгаришлар жараёнини кўрсатиш (пуплаш, совун кўпикларини чиқариш)▶ у билан тўқилган барглар устида юриш, ойналарда тажрибалар кўрсатиш | <ul style="list-style-type: none">▶ яқин атрофдаги предметларнинг номини тўғри айтиш (ўйинчоқлар, идиш-товоқлар, кийим-кечак, пойафзал, мебель)▶ предметлар ранги, ҳажми ва қандай материалдан қилинганлигини кўрсатиш ва тушунтириш (қоғоз, дарахт, мато, лой)▶ ҳайвонлар ҳақида оддий далилларни келтириш▶ мустақил қуриш истагини қўллаб-қувватлаш |
|--|---|--|



ИЖОДИЙ РИВОЖЛАНИШ



Кичик соҳа: Дунёни бадиий тасаввур этиш

Талаб: Бола турли хил санъат воситаларидан фойдаланиб, дунёни ҳис этиш ва тушунишини намойиш этади

0-1 ёш

1-2 ёш

2-3 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- | | | |
|---|---|--|
| <ul style="list-style-type: none">▶ мутолаа давомида расмни болалар эртаги ва мусиқани тинглайди▶ шеърларни тинглаганда катталар кетидан ҳаракатларни қайтаради (бошини қимирлатади, қарсак чалади)▶ ёрқин рангдаги расмларга эътиборини қаратади | <ul style="list-style-type: none">▶ мусиқа, товушларга муносабат билдиради▶ болалар китобларини варақлайди ва ундаги таниш эртак қаҳрамонларини билади▶ кийимдаги расмларга эътиборини қаратади▶ мультфильм томоша қилади▶ расм чизиш учун рангларни танлайди | <ul style="list-style-type: none">▶ севимли китоби ва расмларни танийди▶ эртаклардаги жараёнга ўз ҳиссиётларини билдиради▶ бўёқ ва мўйқалам ҳақида асосий тушунчага эга▶ лой ва пластилиндан фойдаланади▶ севимли қўшиқларини тинглайди▶ болалар мусиқий чолғу асбобларини чалади▶ театрга қизиқиш билдиради▶ ўзига мослаб кийим танлайди |
|---|---|--|

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- | | | |
|--|---|--|
| <ul style="list-style-type: none">▶ болага китобнинг бир қисмини эмас, балки расмларни намойиш этган ҳолда бирор бир воқеани тўлиқ ўқишга ҳаракат қилиш▶ болага эмоционал, ҳайвонларга тақлид қилиб, ўқиш▶ болани ижобий ҳиссиётларга ундаб ўқиш▶ болага турли хавфсиз ижодкорлик предметларини бериш▶ мумтоз мусиқани қўйиш | <ul style="list-style-type: none">▶ болага томоша қилиш учун мўлжалланган предметларни ўзига жамлаган иш жойини ташкил қилиб бериш▶ болага чиройли манзаралар тасвирланган дискларни намойиш этиш ва уларни бола қўли етадиган жойда сақлаш▶ болалар байрами ва тадбирларида иштирок этиш | <ul style="list-style-type: none">▶ болага ҳайвонларни ўхшатиб, ҳис-туйғу билан ўқиш▶ боланинг мусиқа билан боғлиқ фаолиятини қўллаб-қувватлаш (фонли мумтоз мусиқа, болалар қўшиқлари)▶ маҳорат мактаби, байрам, халқ сайлларида иштирок этишни давом эттириш |
|--|---|--|

Кичик соҳа: Бадий-ижодий қобилиятлар

Талаб: Бола атрофдаги борлиқни иждодий ўзгартириш малакасига эга

0-1 ёш

1-2 ёш

2-3 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- | | | |
|---|---|---|
| <ul style="list-style-type: none"> ▶ мусиқа тинглаш мобайнида танаси билан рақс ҳаракатларини бажаришга интилади ▶ чиройли предмет ва нарсаларга эътибор қаратади | <ul style="list-style-type: none"> ▶ катталар ёрдамида овутмачоқлар ёдлайди ▶ чизилган тасвирларни бармоқлари билан юргизиб чиқади ▶ содда тасвирий шаклларни қўли ва бармоқлари билан чизади ▶ қум ёк лойни эзғилайди ▶ содда рақс ҳаракатларини бажаради (қарсак чалади, оёқлари билан ҳаракатланади ва ҳоказо) ▶ аввал тинглаган мусиқаларни танийди | <ul style="list-style-type: none"> ▶ ўз ёшига монанд шеърларни айтади ▶ овутмачоқ ва тўртликларни айтаётганида имо-ишоралар билдиради ▶ намуна асосида тегишли рангларни танлайди ▶ оддий санъат шаклларини бўяйди ▶ лой ёки пластилиндан шакллар ясайди ▶ сўралган объектни кубиклардан ясайди ▶ содда пазл ва мозаикани йиғади ▶ мусиқа тинглаганда рақсга тушади ▶ бошқа болалар билан биргаликда қўшиқ айтади ▶ ритмга мос ҳаракатланади ▶ мусиқа асосида сўралган ҳаракатларни бажаради |
|---|---|---|

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

- | | | |
|---|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"> ▶ болага қувноқ мусиқалар қўйиш ва биргаликда рақсга тушиш ▶ мусиқага монанд қандай қарсак чалишни кўрсатиш ▶ мусиқага монанд оёқ ва қўллар билан қандай ҳаракатланишни кўрсатиш ▶ алла айтиш ▶ болани дид билан кийинтириш ва кийим деталларига боланинг диққатини қаратиш | <ul style="list-style-type: none"> ▶ бола тасаввурини ривожлантирувчи муҳит яратиш ▶ боланинг мусиқий фаоллигини ривожлантирувчи болалар қўшиқларини эшиттириш ▶ болани таом тайёрлаш, хоналарни байрамга тайёрлаш жараёнига жалб қилиш ▶ турли табриқномаларни томоша қилиш, дўкон ва салонларда композиция яратаётган ишчилар фаолиятини кузатиш | <ul style="list-style-type: none"> ▶ болага мустақил ишлаши учун турли табиий материаллар, бўёқ, елим, қалам ва пластилин ва ҳоказолардан ташкил топган иш жойини ташкиллаштириш ▶ болани чизишга рағбатлантириш ▶ бола атрофидаги ўйинчоқлар, предмет ва материалларни вақти-вақти билан ўзгартириб туриш ▶ болани тасаввурини қўллаган ҳолда бирор бир эртақ қаҳрамони бўлишга ундаш |
|---|--|--|

**2-ИЛОВА
МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ
БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИГА
ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

3-7



ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА СОҒЛОМ
ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНИШИ



Кичик соҳа: Йирик моторика

Талаб: Бола ўз тана аъзоларини бошқаради, мақсадли тўғри ҳаракатланади

3-4 ёш

- ▶ турли усуллар билан юради (тўғри, эркин, кўрсатилган йўналишда)
- ▶ саф, доира бўлиб сафлана олади
- ▶ мувозанатни сақлаб югуради
- ▶ спорт зинасида юқори ва пастга ҳаракатланади
- ▶ бир жойда икки оёқлаб сакрайди
- ▶ олдинга силжиб сакрайди
- ▶ айлана ёйи тагидан эмаклаб ўтади
- ▶ бадантарбия вақтида машқларни такрорлайди
- ▶ уч оёқли велосипедда учади

4-5 ёш

- ▶ оёқ учида, товонида, оёқ кафтларининг ён томони билан ва тиззаларини юқори кўтариб юради
- ▶ арқон устида мувозанат сақлаб юради
- ▶ тиззаларини юқори кўтариб югуради
- ▶ паст тўсиқлар устидан сакраб ўтади
- ▶ арқонда сакрашга ҳаракат қилади
 - ▶ гимнастика скамейкаси устида қўли билан тортилиб қорнида сурилади
- ▶ гимнастика нарвонида ҳаракатланади
- ▶ самокатда учади

5-6 ёш

- ▶ товондан оёқ учига ўтган тарзда юради
- ▶ тўсиқларни айланиб ёки хатлаб ўтади
- ▶ Гимнастика скамейкасида мувозанатни сақлаган ҳолда, қадамма-қадам юради
- ▶ қия доска устида тўғри ва ёни билан юради
- ▶ югуришнинг ҳар хил турларини бажаради (илонизи, эгри-бугри, мокусимон, тўсиқларни енгиб ўтиб)
- ▶ турли усулларда сакрайди
- ▶ бир неча предмет оралаб эмаклайди
- ▶ қорнида ётиб, қўллари билан тортилиб эмаклайди
- ▶ гимнастика нарвонига ўрмалаб чиқади

6-7 ёш

- ▶ бир, икки, тўртта бўлиб сафланади, доира бўлиб, қатор бўлиб юради
- ▶ юриш вақтида турли буйруқларни бажаради
- ▶ енгил, тезкорлик билан, тўсиқлардан хатлаб ўтган ҳолда, йўналиш ва мувозанатни сақлаб югуради
- ▶ турган жойида бурилиб, оёқларини ўнгга-чапга қўйиб сакрайди
- ▶ арқонда турли усулларда сакрайди;
- ▶ арқонли нарвон, йўғон арқонда юқорига кўтарилади
- ▶ икки оёқли велосипедда учади

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Кичик соҳа: Майда моторика

Талаб: Бола қўли ва бармоқларини мувофиқлаштиради ва турли мақсадларда ишлатади

3-4 ёш

4-5 ёш

5-6 ёш

6-7 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- | | | | |
|--|---|---|---|
| <ul style="list-style-type: none"> ▶ халқага арқонни киргизади ▶ майда предметларни маълум бир тартибда тахлайди ▶ мустақил равишда ўйинчоқларни қутига жойлаштиради ва ундан олади ▶ катталар ёрдамида йирик ҳажмдаги мунчоқларни ипга ўтказади ▶ буюмларни бир идишдан иккинчисига жойлаштиради | <ul style="list-style-type: none"> ▶ мустақил тугмачаларини қадайд ва ечади, кийими ва пойабзали илгакларини ўзи тақади ▶ намуна асосида ипга майда, ўрта, ва йирик мунчоқларни теради ▶ қулфларни очади ва ёпади, калитдан фойдаланади ▶ майда буюмларни бурайди ва бир-бирига улайди (конструктор қисмлари) ▶ конструкторнинг катта ва кичик қисмларидан ҳар хил предметлар ясайди ▶ намуна асосида тўғри чизиқ ва айлана чизади ▶ кўрсатилган чизиқ бўйича қоғоз, мато ва салфеткани буклайди ▶ кўрсатилган чизиқ бўйлаб қоғозни қайчи билан қирқади | <ul style="list-style-type: none"> ▶ юзаликда турли чизиқлар чизади (асфальтда классик ўйини) ▶ катта, ўртача ва кичик ўйинчоқларни ҳажми бўйича мос келадиган қутиларга жойлаштиради ▶ мураккаб конструкцияларни йиғади ▶ қопчадаги ўйинчоқни пайпаслаб номини айта олади ▶ тўғри чизиқ бўйлаб қоғозни мустақил қирқади | <ul style="list-style-type: none"> ▶ тасаввурдаги предметлар (гул, қуш, капалак, қулф)ни қўллари, бармоқлари билан кўрсатади ▶ арқонлардан турли тугунларни тугади ▶ ўйин фаолияти мобайнида майда ўйинчоқлар билан ўйнайди ▶ белгиланган чизиқлар бўйлаб қоғозни батартиб йирта олади ▶ майда қисмлардан иборат бўлган мозаика ва пазлар йиғади |
|--|---|---|---|



Кичик соҳа: Сенсомоторика

Талаб: Бола сезги органлари ёрдамида ўз ҳаракатларини бошқаришга қодир

3-4 ёш

4-5 ёш

5-6 ёш

6-7 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- ▶ катта коптокларни масофага, икки қўл билан, ўтириб, туриб ирғитади
- ▶ белгиланган нишонга предметни ирғитади
- ▶ бошқа болага коптокни ирғитади ёки отади
- ▶ силлиқ ва нотекис текстуранинг фарқига боради
- ▶ таъмни аниқлайди
- ▶ қўғирчоқли аравагани итаради

- ▶ коптокни ерга ўнг ва чап қўли билан галма-гал уради
- ▶ галма гал чап ва ўнг томон айланади
- ▶ турли текстура ва юзанинг фарқига боради
- ▶ матрап билан майда учаётган, сузаётган предметларни тутари
- ▶ совун кўпикларини учиради

- ▶ коптокни юқорига отади ва уни қайта илиб олади
- ▶ узатилган коптокни турли усуллар билан илиб олади
- ▶ коптокни клюшка билан тўсиқлараро олиб ўтади
- ▶ қум солинган қопчани нишонга ирғитади
- ▶ асосий ҳолатда туриб, кўкрак баландлигида коптокни икки қўли билан бошқа болага узатади
- ▶ турли анализаторлар (ёпиқ кўзлар, пайпаслаш, таъмига қараб) ёрдамида предметларни тадқиқ қилади

- ▶ коптокни пастдан, бош ортидан отади
- ▶ коптокни ер бўйлаб илонизи қилиб думалатади
- ▶ чана, ролик, икки ғилдиракли велосипедда учади
- ▶ нишонни тўп билан ағдаради (боулинг)
- ▶ гардиш (обруч)ни қўлида, оёғида, белида айлантиради
- ▶ ҳалқаларни ҳалқа устунига отиб туширади

Кичик соҳа: Соғлом турмуш тарзи ва хавфсизлик

Талаб: Бола соғлиқни сақлаш малакаларини намоён қилади. Бола хавфсиз соғлом таом ва ҳаёт хавфсизлиги қоидалари ҳақида тушунчага эга

3-4 ёш

4-5 ёш

5-6 ёш

6-7 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- ▶ мустақил қўли, юзини ювади, тишини тозалайди, сочикдан фойдаланади
- ▶ тароқ ва дастрўмол ёки қўлсочикдан фойдаланади
- ▶ овқат вақтида мустақил қошиқ билан фойдаланади, овқатдан сўнг оғзини чаяди
- ▶ хонада тартибни сақлайди, ўзидан кейин ўйинчоқларни йиғиштиради
- ▶ мустақил ҳожатхонага боради;
- ▶ хавфли бўладиган предметларни фарқига боради

- ▶ витаминлар ва соғлом овқатланиш фойдасини билади
- ▶ овқатланиш олдидан қўлини ювади
- ▶ санчқидан тўғри фойдаланади
- ▶ ўз ташқи кўринишини тартибга келтиради
- ▶ ҳожатхонадан сўнг ўз-ўзига хизмат қилади
- ▶ ёрдам сўрай олади
- ▶ хавфли бўлган предметлар, жойлар ва моддалар номини билади (зинапоя, болохона, очик ойна, иссиқ сув, олов, дори, ўткир асбоблар, электр)
- ▶ нотаниш инсонлар билан кетиш мумкин эмаслигини тушунтиради
- ▶ қандай қилиб гавдани тўғри тутиш кераклигини тушунтириб бера олади

- ▶ шахсий гигиенага риоя қилади
- ▶ стол атрофида овқатланиш маданиятига риоя этади
- ▶ витаминларнинг овқатланишдаги аҳамияти ва ролини билади
- ▶ саломатлик ҳақида қайғуриш муҳимлигини англайди
- ▶ тананинг асосий қисмлари ва уларнинг вазифаларини билади
- ▶ пиёдалар учун асосий йўл қоидаларини билади
- ▶ сув истеъмол қилишнинг муҳимлигини тушунади ва мустақил равишда сув ичиш режимига риоя қилади
- ▶ хавфсизлик қоидаларини билади ва уларга риоя қилади
- ▶ ёрдам зарур бўлганда катталарга мурожаат қилиш кераклигини билади
- ▶ хавфли фаолиятлар номини айтиб беради: хавфли жойларда ўйнаш (машина қатнови йўлаклариди, қурилиш яқинида, нотаниш сув ҳавзаларида, кўл, оқар сувларда чўмилиш), велосипедда машина қатнови йўлларида

- ▶ ўзининг ташқи кўринишига этибор беради
- ▶ жисмоний машқларни мустақил бажаради
- ▶ табиат бурчагидаги ўсимликлар ва жонзотларни парваришлайди
- ▶ саломатликка зарарли бўлган хулқ шакллари англайди (чекиш, ичкиликбозлик, олов билан ўйнаш ва ҳоказо)
- ▶ боғчада, кўчада, транспортда юриш қоидаларига риоя қилади;
- ▶ пиёдалар ва велосипедчилар учун йўл қоидаларини билади
- ▶ ёнғин хавфсизлиги - 101; миллий гвардия - 102; тез ёрдам - 103; газ хизмати - 104 телефон рақамларини билади
- ▶ хавфли вазиятларда қандай йўл тутишни билади ва тушунтиради
- ▶ супермаркетда, шаҳарда, қишлоқда, далада йўқолиб қолса, ўзини қандай тутиш кераклигини билади



ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНИШ

Кичик соҳа: «Мен» концепцияси

Талаб: Бола ўзини ўзига хос хусусиятлари билан, ижобий шахс сифатида қабул қилади, мустақил ва ўз хатти-ҳаракатига жавоб беради

3-4 ёш

4-5 ёш

5-6 ёш

6-7 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- | | | | |
|--|---|--|---|
| <ul style="list-style-type: none"> ▶ ўзи ҳақида – «мен» деб биринчи шахс номидан гапирди ▶ ўзи ҳақида сўзлайди (исми, фамилияси, ёши, жинси ва бошқаларни билади) ▶ ўз яқин инсонларига мурожаат қилади ва ёрдам сўрайди ▶ ўзига дўст танлайди ва у билан ўйнайди ▶ ўз оиласи ва яқинларига қизиқиш билдиради ▶ ўз эҳтиёжларини билдиради ▶ ортиб бораётган ўзига ишончни билдиради | <ul style="list-style-type: none"> ▶ ўз хоҳиш-истаклари, қизиқишларини билдиради ▶ ўйин давомида ролларни бажаради ▶ ўз хатти ҳаракатларига жавоб беради («буни мен қилдим») ▶ катталар илтимосини (топшириқни) бажаради; ▶ машғулот давомида диққатни жамлайди; ▶ ютуққа мотивация билдиради ▶ омадсизлик, мағлубиятда қайғуради ▶ турли ҳиссиётлар ва кайфиятларни намоиш этади ▶ ўз ўйини учун жой ҳозирлайди | <ul style="list-style-type: none"> ▶ ўзига юклатилган мажбуриятларни қабул қилади ва бажаради ▶ ўзининг қайси миллатга мансублигини билади ▶ ўзининг хоҳиш-истаклари ва қизиқишларини аниқ белгилайди ▶ ўз ҳиссиётларини намоён қилади ▶ ўз-ўзини баҳолашга қодир ▶ мустақил ўзига фаолият турини танлайди ▶ ғоялар таклиф этади, ташаббускор ▶ хайрихоҳ ва очиқкўнгил | <ul style="list-style-type: none"> ▶ мустақилликка интилади ▶ ўзининг оилавий, гендер мансублигига ижобий ҳис-туйғуларни англайди ва фарқлай олади ▶ ўзининг миллати, тили ва ўз маданиятининг муҳим элементларини билади ▶ ўзига юклатилган мажбуриятлар асосида фаолиятни ташкил қилади ▶ шахсий қарорларини қабул қилишга қодир ▶ бошқаларга намуна бўлишга ҳаракат қилади |
|--|---|--|---|



Кичик соҳа: Ҳиссиётлар ва уларни бошқариш

Талаб: Бола ўзининг ва ўзгаларнинг ҳиссиётларини англашга ва ўзининг ҳиссиётларини мослаштиришга қодир

3-4 ёш

4-5 ёш

5-6 ёш

6-7 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- | | | | |
|---|---|---|---|
| <ul style="list-style-type: none">▶ эртак, ҳикоя, мультфильмлар қаҳрамонларига ҳамдардлик билдиради▶ қувонч, қайғу каби ҳиссий ҳолатни тушунади▶ ўз кечинмалари ва ҳиссиётларини намоён этади («менга ёқади», «мен ёқтирмайман»)▶ бошқа боланинг ҳиссиётларини аниқлайди ва сўз билан ифода этади▶ бошқаларга ҳамдардлик билдиради▶ сюжетли-ролли ўйинларда иштирок этади▶ ўз оиласи ҳақида сўзлар экан, нима ёқиши ва ёқмаслиги ҳақида гапирди | <ul style="list-style-type: none">▶ болалар билан ўйин давомида самимий муносабат билдиради ва ўз ўйинчоқлари билан ўртоқлашади▶ катталар билан эслатмасиз саломлашади ва хайрлашади▶ ўз ҳаракатларига баҳо беради▶ катталарга мурожаат қилади ва ўз фикрини баён қилади▶ совға ва байрамларга қувонади | <ul style="list-style-type: none">▶ асосий ҳиссиётлар сабабини тушунади▶ кимнидир хафа қилса, ўзини айбдор хис қилади▶ яхши ёки ёмон хулққа баҳо бера олади▶ ўйин мобайнида ғолиблиқдан қувонишни билади▶ яқин инсонлари ва дўстлари билан ўз ҳиссиётлари ва кечинмалари билан ўртоқлашади▶ қўрқув ва хавфни тушунади▶ тушунарли асарларни қизиқиш билан тинглайди ва уларга ҳиссиётларини намоён этади | <ul style="list-style-type: none">▶ ўз ҳиссиётларини назорат қилади▶ турли ижтимоий вазиятларга эмоционал муносабат билдиради▶ ўз ҳиссий ҳолатини изоҳлаб бериши мумкин▶ бошқа инсонлар ёки бадиий асарлар қаҳрамонлари ҳиссиёти ҳақида гапирди▶ ўзини ёмон хис этаётганларга ҳамдардлик билдиради ва юпатади |
|---|---|---|---|

Кичик соҳа: Ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот

Талаб: Бола тенгдошлари ва катталар билан мулоқот малакаларини ривожлантиришга қодир

3-4 ёш

4-5 ёш

5-6 ёш

6-7 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- ▶ ўз оила аъзоларини билади
- ▶ катталар ҳаракатига тақлид қилади
- ▶ ўз ҳаракатлари натижасига эришишда қатъийлик билдиради
- ▶ катталар ва болалар билан биргаликда ўйнайди
- ▶ болалар салбий ҳаракатига ўз муносабатини билдиради
- ▶ жамоавий ўйин фаолиятида қатнашади
- ▶ тенгдошларига яхшилик истайди

- ▶ ўйин фаолияти давомида мулоқотга киришади
- ▶ ўйинда ўзаро ҳаракатда бўлиб, ижтимоий ролни қабул қилади
- ▶ гуруҳ қоидаларини бажаради (ўйинчоқларни жойига тахлайди, кийимларини тартибга солади ва ҳоказо)
- ▶ ўз оила аъзоларига самимий муносабат билдиради ва уйда маълум бир қоидаларга риоя қилади
- ▶ ўз дўстлари ҳақида сўзлаб бериши мумкин
- ▶ катталар ҳаракатлари ва хулқ моделини имитация қилган ҳолда уларга тақлид қилади
- ▶ катталар назоратсиз топшириқларни бажара олади

- ▶ мулоқот давомида ўз фикрини, ҳиссиётларини ва таассуротларини намоён этади
- ▶ оила ва гуруҳда ташкил этилган меҳнат фаолиятида иштирок этади
- ▶ ўз суҳбатдошига илтимос ёки маълумотни айта олади
- ▶ мустақил, катталардан бевосита мустақилликни эркин намоён этади
- ▶ ёрдам кўрсатишга тайёр
- ▶ таниш инсонлар билан осон мулоқотга киришади
- ▶ тушунчаларда ёритилган ижтимоий ҳулқ қоида ва меъерларига бўйсунди (мумкин, маън этилади, яхши, ёмон, керак)
- ▶ бошқа болалар билан доимий дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлайди

- ▶ катталар ва тенгдошлар билан осон мулоқотда бўлади
- ▶ қийин вазиятларда амалий ечим қидиради
- ▶ бошқалар хатти-ҳаракатига ўз таассуротларини билдиради
- ▶ ўзгалар ютуғига қувонганлигини намоён этади
- ▶ низоларни ҳал этишда бир неча методлардан фойдаланади (тинчлантиради, ўз ўйинчоғини беради, мулойим сўзлар айтади)
- ▶ ўйинлар ўйлаб топади, сюжетли ролли ўйинлар, турли эртақларни саҳналаштиришда иштирок этади



НУТҚ, МУЛОҚОТ, ЎҚИШ ВА ЁЗИШ
МАЛАКАЛАРИ

Кичик соҳа: Нутқ ва тил

Талаб: Бола нутқни тинглайди ва англайди, сўзлашади ва мулоқот қилади

3-4 ёш

- ▶ ўзининг айрим ҳаракатларини сўзлар билан шарҳлайди
- ▶ расмда кўрган нарсаси ҳақида сўзлайди
- ▶ катталарнинг турли саволларига жавоб беради (яқин атрофига тегишли)
- ▶ мулоқот даврида фаоллик билдиради
- ▶ бирор бир парчани тинглаб, таниш асарнинг номини айтади
- ▶ кичик шеърни ёддан айтади;
- ▶ катталар томонидан айтилган таниш ҳикоя, эртакни давом эттиради ёки тугаллайди
- ▶ дидактик ўйинлар ўйнайди

4-5 ёш

- ▶ бошланган ҳикояни давом эттира олади
- ▶ воқеа-ҳодисалар тўғрисида муҳокама даврида саволлар беради ва ўз фикрини баён этади
- ▶ берилган саволни тушунади ва унга жавоб беради
- ▶ мулоқотда феъл ва сифатларни фаол қўллайди
- ▶ от ва феълларни қўллаган холда мураккаб бўлмаган гаплар тузади (шифокор касалларни даволайди, сотувчи сабзавотларни сотади)
- ▶ «қўп», «битта» маънода сўзларни ишлатади
- ▶ турли оҳангдаги сўзларни имо-ишоралар ёрдамида нутқида ишлатади
- ▶ дидактик ва сўз ўйинлари ўйнайди

5-6 ёш

- ▶ кузатаётган ҳодиса ва воқеаларни тушунтириб беради
- ▶ умумлаштирувчи сўзларни тўғри қўллайди (мева, сабзавот, дарахтлар, қушлар, идиш-товоқ)
- ▶ ўзига нисбатан предметлар жойлашувини таърифлайди (олдимда, столда)
- ▶ сўзларни мазмунига кўра тўғри қўллайди
- ▶ нутқида маъносига монанд асосий сўз туркумларини қўллайди
- ▶ бир негизли сўзларни (намуна асосида) туза олади (мушук-мушукча-мушукли)
- ▶ грамматик содда ва мураккаб гаплар тузади
- ▶ суҳбатлаша олади
- ▶ катталар ёрдамида ижодий ҳикоя тузади
- ▶ барча товушларни тўғри ва аниқ талаффуз қилади
- ▶ хорижий тилни билиши
- ▶ саломлашиш ва хайрлашиш сўзларини қўллайди
- ▶ 10гача саноқни билади
- ▶ асосий ранглар номини билади (оқ, сариқ, қизил, яшил, кўк, қора)

6-7 ёш

- ▶ ўз она тилида эркин сўзлашади; сўз туркумларини ёшига монанд мустақил, грамматик тўғри қўллайди
- ▶ гапдан синоним ва антонимларни топа олади ва берилган сўзларга уларни мослайди
- ▶ кўп маъноли сўзларни турли маъноларини фарқлайди
- ▶ турли гапларни тузади
- ▶ шахсий тажрибасига таяниб, расм юзасидан тасвирий ҳикояни мустақил тузади
- ▶ турли жанрдаги бадиий асарларни ифодали ҳикоялайди
- ▶ гуруҳ муокамасида мулоқотга киришиб ва тинглаб иштирок этади
- ▶ қофиялар тузади, топишмоқлар топади
- ▶ нутқида хорижий сўзларни қўллайди
- ▶ кичик шеърларни айтиб бериши мумкин
- ▶ йил фасллари номини билади (баҳор, ёз, куз, қиш)

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР



Кичик соҳа: Ұқиш малакалари

Талаб: Бола китоб ва ўқишга қизиқиш билдиради

3-4 ёш

- ▶ китоб ҳақида тушунчага эга
- ▶ катталардан китоб ўқиб беришларини сўрайди
- ▶ ўз ёшига мос китобларни кўриб чиқади
- ▶ китобдаги расмлар ва матн орасидаги боғлиқликни аниқлайди
- ▶ расмлардан таниш эртак қаҳрамонларини танийди

4-5 ёш

- ▶ тинглаган ҳикоясига муносабатини билдиради ва катталарга савол беради
- ▶ эшитган ҳикоясининг асосий ўринларини расмлар бўйича гапириб бера олади
- ▶ бадиий асардан парча тинглагандан сўнг асар номини айта олади
- ▶ ўз ёшига мос шеърларни ёддан билади
- ▶ китобни эҳтиётлаб фойдаланади

5-6 ёш

- ▶ сўздаги биринчи товушни билади
- ▶ китобни мустақил томоша қилади
- ▶ товушларни фарқлайди
- ▶ сўзларни бўғинга бўлади
- ▶ сўзларга қофия келиштиради
- ▶ нутқнинг диалогик шаклини қўллайди, саволлар беради
- ▶ шеърларни ёд олади ва ифодали ўқийди
- ▶ севимли бадиий адабиёт, эртак ва ҳикоя муаллифлари ва уларнинг номини билади
- ▶ ифодалиликнинг оҳанг воситаларини тўғри қўллайди
- ▶ ҳарфларга тегишли сўзларни топади

6-7 ёш

- ▶ бошқа болаларга эслаб қолган китоб мазмунини сўзлаб беради
- ▶ содда ва мураккаб гапларни нутқида қўллайди
- ▶ сўзларни бўғинларга бўлади
- ▶ бўғинли карточкалар ёрдамида бўғинлардан сўзлар тузади
- ▶ сўз, товуш, бўғин, гап ҳақида тушунчага эга
- ▶ пешлавҳа, китоб номлари, расм тагидаги ёзувлар ва ҳоказоларни ўқийди
- ▶ болалар адабиёти жанри номини билади (эртак, шеър, ҳикоя)
- ▶ машҳур ёзувчи ва шоирлар номини билади

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Кичик соҳа: Қўл бармоқлари майда моторикаси

Талаб: Болада ёзув малакаси шаклланади

3-4 ёш

4-5 ёш

5-6 ёш

6-7 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- ▶ 2-3 объектдан расм тузади
- ▶ варақ сатҳида тўғри чизиқлар чизади
- ▶ ҳарфларга қизиқиш билдиради, айрим ҳарфларнинг шаклини билади ва фарқлайди
- ▶ йирик мунчоқларни ипга теради
- ▶ ёзишга ҳаракат қилади

- ▶ чизиқ, белги, илгакларни содда намуналарини қайта чиза олади
- ▶ предметларнинг мураккаб бўлмаган шаклларини чизади
- ▶ расмларни устидан юргизиб чизади ва бўяйди
- ▶ шаблонларни штрихлайди
- ▶ майда қисмлардан иборат конструкторни йиғади
- ▶ ўрта мунчоқларни ипга теради;
- ▶ аниқ белгиланган чизиқ асосида қоғозни қайчи билан қирқади
- ▶ белгиланган чизиқ асосида қоғозни текис йиртади
- ▶ икки қўли билан қоғозни бурайди

- ▶ чизиқ, илгак ва гажакча ёзади
- ▶ қоғозни турли усулда тахлайди (оригами)
- ▶ намуна асосида босма ҳарфларни ёзишни бошлайди
- ▶ бармоқлари ёрдамида машқлар бажаради
- ▶ расмларни текис штрихлайди
- ▶ турли сатҳларда чизади (нам қумда, асфальтда, доскада)
- ▶ соч ўради
- ▶ мозаика йиғади

- ▶ қоғозда тўғри чизиқлар, сўзлар ва қисқа гапларни ёзади
- ▶ дафтардаги ёзув қаторларини аниқлай олади
- ▶ расмларни тўғри жойлаштиради
- ▶ қўлни узмасдан нукта-чизиқчаларни бирлаштириб расм чизади
- ▶ матодаги расмни тўқийди
- ▶ «ўзига» ва «ўзидан» ҳаракатлари йўналишини тушунади
- ▶ турли материаллардан мураккаб намуналарни қирқади



БИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Кичик соҳа: Интеллектуал-билиш малакалари

Талаб: Бола қизиқувчан, интулувчан, фаол, билишга қизиқиш билдиради ва унга эҳтиёжи мавжуд

3-4 ёш

- ▶ битта белги асосида предметларни ажратади
- ▶ олти рангни фарқлайди ва ажратади
- ▶ ўхшаш жуфтликни танлай олади
- ▶ расмлардаги предметларни танийди ва номини айтади
- ▶ жонли объектларга қизиқиш билдиради
- ▶ предметлар ясалган материални фарқлайди (қоғоздан, тахтадан, темирдан)
- ▶ хонани кузатади ва ўзи турган жойни аниқлай олади
- ▶ атроф-муҳитга қизиқиш билдиради

4-5 ёш

- ▶ расмларни солиштиради
- ▶ 2-3 белги асосида гуруҳларга ажрата олади
- ▶ жонзодларнинг асосий эҳтиёжларини таърифлайди ва таққослайди (хайвонлар: овқат ейди, нафас олади, ҳаракатланади ва ҳоказо)
- ▶ ҳаёт учун сув, ҳавонинг аҳамиятини таърифлайди
- ▶ кун қисмларини нутқида тўғри қўллайди ва билади (эрталаб, пешин, кечқурун, кечаси)
- ▶ йил фаслларини тавсифлайди
- ▶ атроф-оламга фаол қизиқиш билдиради

5-6 ёш

- ▶ расм асосида сюжетни эслаб қолади ва гапиреди
- ▶ кетма-кетликни сақлаган ҳолда фикр юритади, мулоҳаза қилади
- ▶ турли ҳайвонларнинг яшаш жойларини айтади (балиқ сувда яшайди, бўри ўрмонда)
- ▶ географик тушунчаларни билади (ер, денгиз, тоғ, дарё)
- ▶ оддий сабаб ва оқибат алоқаларни тушунади (ёмғир ёғпти – панага ўтиш керак)
- ▶ синаш ва хатоларни таҳлил қилиш йўли билан амалий вазифалар ечимини топишга ҳаракат қилади (машинани юрғизиш учун калитни бураш керак)
- ▶ объектларни тизимга солади

6-7 ёш

- ▶ атроф-олам ҳақида мустақил маълумот излайди
- ▶ кузатувлар асосида хулоса қилади ва умумлаштиради
- ▶ йил фасллари ва воқеа-ҳодиса кетма-кетлигини айтади
- ▶ расмлар бўйича кетма-кетликни сақлаган ҳолда фикр юритади, мулоҳаза қилади
- ▶ ўз мамлакати ва унинг рамзлари ҳақида тушунчага эга
- ▶ ўз халқининг айрим миллий анъаналари ва одатларини билади
- ▶ болалар энциклопедиясидан фойдалана олади (керакли маълумотни топа олади)
- ▶ ички ва ташқи белгиларга кўра предметларни гуруҳларга ажратади (ранги, шакли, ҳажми, вазни, ҳаракатлиниш тезлиги, вазифасига қараб)

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР



Кичик соҳа: Элементар математик малакалар

Талаб: Бола элементар математик малакаларга эга

3-4 ёш

4-5 ёш

5-6 ёш

6-7 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- | | | | |
|--|--|--|---|
| <ul style="list-style-type: none">▶ предметларни 1-2 та белгиси бўйича гуруҳларга бўлади▶ атроф-муҳитдан «битта» ва «кўп» ни топади▶ предметларни катталигига қараб теради▶ геометрик шаклларни (доира, квадрат, учбурчак), шакллар (куб, шар)ни фарқлайди▶ кўпликни таққослайди▶ «узунрок» ва «қисқарок» тушунчалари маъносини билади▶ «ярим», «яримтача» тушунчаларини билади▶ саноқ ва сонлар қаторидаги боғлиқликни тушунади▶ механик тарзда 5гача санайди | <ul style="list-style-type: none">▶ геометрик шаклларга ўхшаш предметларни топади▶ геометрик фигура ва шаклларнинг номини билади▶ миқдорий алоқаларни белгилайди▶ соннинг миқдорий таркибини билади▶ математик тушунчалардан фойдаланади (кўп, кам, жами, шунча)▶ тартиб бўйича санайди▶ «кўпроқ», «камроқ», «тенг» тушунчаларини таққослайди▶ маконда ўз жойини аниқлай олади (олдинда, орқада, тепада, пастда, яқинда, узоқда)▶ бутун ва унинг қисмлари тушунчасини тушунади | <ul style="list-style-type: none">▶ геометрик шаклларни билади ва уларни предметлар орасидан ажратади; предметларни узунлиги, эни, қалинлиги ва баландлигига кўра таққослайди▶ предметлар гуруҳини таққослайди▶ мулоқот даврида математик атамаларни қўллайди▶ белгилар тизимини тушунади (сон ва белгиларни қўллаган холда +, -, =)▶ 1дан 10гача бўлган сонларни тўғри ва тескари санайди▶ предметларни сони ва саноғига қараб таққослайди▶ предметлар тенглиги ва тенгсизлиги гуруҳларини аниқлайди ва уларни бир-бири билан таққослайди | <ul style="list-style-type: none">▶ ҳаётда сон ва саноқнинг аҳамиятини тушунади▶ геометрик шакллар ва фигураларни билади▶ 20гача бўлган айрим математик амалларни бажаради▶ 10гача қўшиш ва айиришли содда математик масалаларни ечади (сон ва белгиларни қўллаган холда +, -, =)▶ сон қатори ҳақида тушунчага эга▶ гуруҳларни тенг ёки тенг эмаслигини таҳлил қилади (қанчага кўп?, қанчага кам?)▶ ҳажми, баландлиги ва қалинлигига қараб предметларни кетма-кет жойлаштиради▶ шартли белги асосида суюқ, сочилувчан ва қаттиқ материални ўлчайди |
|--|--|--|---|

Кичик соҳа: Тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият

Талаб: Бола ўзининг табиий муҳитига қизиқишини намоён қилади, фанни ўрганишда фаол

3-4 ёш

4-5 ёш

5-6 ёш

6-7 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- | | | | |
|--|--|---|---|
| <ul style="list-style-type: none"> ▶ катталар билан биргаликда тадқиқотларда қатнашади (эритиш, бўяш, чўктириш, сув сатҳига чиқариш ва ҳоказо) ▶ табиатдаги айрим ўзгаришларни фарқлайди (қор, ёмғир, дўл, иссиқ, шамол ва ҳоказо) ▶ айрим ҳашарот ва қушларни билади ва номини айтади ▶ айрим ҳайвонлар болаларининг номини тўғри айтади ▶ «сюжет» бўйича қурилмалар яратади ▶ сув ва қум билан ўйнайди ▶ жонли объектларни кузатади | <ul style="list-style-type: none"> ▶ катталар билан биргаликда тадқиқотларда иштирок этади (эритиш, яхлатиш, магнетизм, бўяш, қиздириш, қайнатиш ва ҳоказо) ▶ йил фасллари хос табиат ҳодисаларини билади ▶ нима учун овқатланиш, нафас олиш, ўқиш кераклигини билади ▶ организмнинг маълум бир органлари вазифасини билади ▶ айрим жисмоний жараёнлар аҳамиятини билади ▶ пазл, мозаика, леголарни йиғади, конструкциялар яратади | <ul style="list-style-type: none"> ▶ табиат ҳодисаларини турли омилларга боғлиқлигини тушунади ▶ табиатдаги ўзгаришлар сабабини тушунтириб бера олади (масалан, қор эриши) ▶ инсонларнинг атроф-оламга таъсирини тушунади (экин экиш, ҳосил йиғиш) ▶ табиий материаллардан қўл ишларини яратишни билади, иш босқичларини белгилайди ▶ мустақил қуриб ясаши мумкин ▶ жонли ва жонсиз табиатни фарқлайди ▶ инсонлар ҳаётида табиатнинг аҳамиятини англаб этади | <ul style="list-style-type: none"> ▶ қурилмани мустақил ўлчайди (баландлиги, узунлиги, кенглиги бўйича) ▶ шахсий қизиқиши ва кузатувларига боғлиқ саволлар беради ▶ шахсий тахминлари ҳақида гапиради, аввалги ва ҳозирги тажрибасини умумлаштиради ва тушунтиради ▶ тадқиқотда ечимни талаб этилаётган муаммони белгилайди ▶ турли ресурсларни қўллаган ҳолда шахсий кузатувларни тасдиқлайди ва таърифлайди ▶ атроф-муҳитни яхшилашда иштирокнинг муҳимлигини тушунади (масалан, ахлат чиқиндиларини ташлаш, уларни ажратиш, дарахт ва гуллар экиш, сув, электр энергияси ва қоғозни асраш) |
|--|--|---|---|



ИЖОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

Кичик соҳа: Дунёни бадий тасаввур этиш

Талаб: Бола турли хил санъат воситаларидан фойдаланиб, дунёни ҳис этиш ва тушунишини намойиш этади

3-4 ёш

4-5 ёш

5-6 ёш

6-7 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- ▶ расм, ўйинчоқ, халқ амалий санъати асарлари объектларини ўрганишда эмоционал таъсирланади
- ▶ табиат кўринишлари, ўйинчоқлар, болаларнинг кийимларидаги ранглар гўзаллигини сезади
- ▶ таниш қўшиқларни ажратади
- ▶ диққат билан товуш, оҳангларни тинглайди
- ▶ тасвирий санъат элементларидан фойдаланади

- ▶ Ўзбекистон халқ амалий санъати ҳақида илк тушунчага эга (сўзана, керамика)
- ▶ санъатга тегишли касбларнинг айримлари ҳақида тушунчага эга (рассом, бастакор, актёр)
- ▶ айрим санъат турлари ва жанрларини фарқлайди (қўшиқ, рақс, мусиқа, шеърият, топишмоқ, расм, ҳайкалтарошлик)
- ▶ айрим меъморий қурилмалар ҳақида тушунчага эга (яшаш жойи ва жамоат жойи)
- ▶ қўшиқ ва мусиқалардаги юқори ва паст товушларни фарқлайди
- ▶ айрим мусиқа асбобларнинг садосини фарқлайди (пианино, дутор, чилдирма)
- ▶ мусиқа оҳангига мос рақсга туша олади

- ▶ мусиқий асарга ҳиссий муносабат билдиради
- ▶ мусиқага монанд ҳаракатлар ўйлаб топиши мумкин
- ▶ бадий асарлар қаҳрамонлари ролини ўйнаши мумкин
- ▶ амалий санъат турлари ҳақида бирламчи тушунчага эга
- ▶ шахсий лойиҳалар яратишда ғоялар билдиради
- ▶ мусиқада услубларни фарқлайди
- ▶ кичик сценарийлар тузиб, саҳна кўринишларини ташкиллаштира олади
- ▶ табиий материаллардан қўл ишлари ясайди
- ▶ кийимларни безаши, гулдасталар тузиши, содда рецепт ассосида таом тайёрлаши мумкин

- ▶ шеърни ифодали ўқиб бера олади
- ▶ таниш асарларни мустақил сўзлаб беради, уларни саҳналаштиришда иштирок этади
- ▶ шеърий ва насрий бадий асарларга муносабат билдиради
- ▶ мусиқий асарнинг ҳарактерини аниқлашга қодир
- ▶ болалар шоири, ёзувчиси ва бастакорлари ҳамда уларнинг асарларини билади
- ▶ тасвирий санъат турларини фарқлайди



Кичик соҳа: Бадий-ижодий қобилиятлар

Талаб: Бола атрофдаги борлиқни ижодий ўзгартириш малакасига эга

3-4 ёш

- ▶ тасвирий материаллар номини билади ва улардан тўғри фойдаланади
- ▶ содда композициялар, алоҳида буюмларни чизади
- ▶ тасвирланаётган предметларга мос рангларни танлайди ва бўйяйди
- ▶ болалар мусиқий асбобларида (бубен, най, ксилофон) чалишга тақлид қилади
- ▶ болалар гуруҳи билан қўшиқ айтади
- ▶ рақсга тушади (жуфтликда айланади, оёқлари билан депсинади, предметлар билан мусиқага монанд ҳаракатланади)
- ▶ пластилиндан содда шаклларни ясайди
- ▶ тайёр шакллардан предметлар тасвирини яратади, турли шаклли қоғозлардан таёрланган безаклар билан безатади
- ▶ қумдан турли шакл ва пирамидалар қуради

4-5 ёш

- ▶ предметлар шаклини аниқ кўрсатган ҳолда деталларга бой тасвирлар чизади
- ▶ сюжетли расм, предмет ва персонажларни чизади
- ▶ шаклларни турли техникалар ёрдамида бўйяйди
- ▶ лой, хамир ва пластилиндан нарсалар ясайди
- ▶ хорда ва яккахон қўшиқ қуйлайди
- ▶ рақс ҳаракатларини ҳиссиётларни намоён этиш ва мулоқот воситаси сифатида қабул қилади
- ▶ мусиқий асбобларда чалади (қўнғироқча, доира, металлофон)
- ▶ катталар ёрдамида бармоқлар театри сахна кўринишларида иштирок этади

5-6 ёш


- ▶ мураккаб предметлар чизади ва уларни безакли нақшлар билан ясатади (чойнак, гилам, рўмол, лаган)
- ▶ хотира ёки тасаввурига кўра сюжет яратади
- ▶ қоғоздан ва табиат материалларидан аппликатив безаклар (табрикномалар, хатчўплар) яратади
- ▶ муҳит ёки ўз лойиҳаларини безатади
- ▶ кесиш, йиртиш, тахлаш йўли билан шаклларнинг туриши, ўрни ва ҳаракатларини ифодалаган тарзда кичик сюжетлар яратади
- ▶ тенгдошлари билан ижодий ўйинлар яратиши мумкин
- ▶ шахсий ишларида турли ифода воситаларини қўллайди
- ▶ жамоавий лойиҳаларда ғоялар тақлиф этади

6-7 ёш

- ▶ турли предметлардан композициялар яратади
- ▶ якка ва жамоавийда тарисда қўшиқ айта олади
- ▶ рақсда ҳаракатларига жило берган ҳолда шахсий намуна яратиши мумкин
- ▶ мусиқий асбобларда яккахон ёки оркестрда жўр бўлиб чалиши мумкин
- ▶ ғоя яратади ва татбиқ этади
- ▶ мақсадга эришишда ўриндош сифатида турли предметлар қўллайди
- ▶ турли спектаклларда роль ижро этиб иштирок этади
- ▶ оламни ўзгартиришда инсоннинг яратувчи ролини англайди
- ▶ буюмларни иккиламчи қўллашда ғоялар тақлиф этиши мумкин

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР







Ўзбекистон Республикасининг илк
ва мактабгача ёшдаги болалар
ривожланишига қўйиладиган
давлат талаблари БМТнинг Болалар
жамғармаси ЮНИСЕФнинг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси
техник қўмағида яратилди ва нашр
этилди



Мактабга
таълим
вазирлиги

Тошкент шаҳри, 100070,
Яккасарой тумани,
Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 76

Телефон: +99871 215-54-08
E-mail: devon@mdu.uz